



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 27-avgust, shanba,
99 (23.666)-son

**КУН
ҲИКМАТИ**

Фақат
илмиларгина
илм борасидаги
баҳсни ҳазм
қила
олишади

Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



https://twitter.com/zarnews_uz



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ!

Кеча Самарқанд шаҳридаги "Мўъжиза" амфитеатрида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Умид ниҳоллари-2022" спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир қатнашчиларини вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Очилов табриклади.

5 апрель куни республика бўйлаб старт берилган мазкур мусобақада вилоятимиздан 11 спорт тури бўйича 540 минг нафар ўқувчи иштирок этди. Турнирнинг вилоят - финал босқичи 22-26 апрель кунлари туман ва шаҳарларда бўлиб ўтди ва унда 509 нафар истеъдодли ўқувчи ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Тадбирда мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритган Самарқанд шаҳар жамоасига Президент совғаси - "Damas" автомашинаси ва ўқувчиларнинг ҳар бирига ноутбук, иккинчи ўринни эгаллаган Иштихон тумани спортчиларига телевизор, учинчи ўринни банд этган Ургут тумани ёшларига велосипед, медал, диплом ва кубоклар топширилди. Шунингдек, уларни мусобақаларга тайёрлаган ўқитувчи-мураббийлари спорт экипировкалари билан тақдирланди.

Бу мусобақада миллий кураш спорт тури бўйича 14-15 ёшлилар орасида ғолиб бўлдим, - дейди Самарқанд шаҳридаги 73-умумтаълим мактаби ўқувчиси Иноятилла



"Умид ниҳоллари-2022": Самарқанд шаҳар жамоасига Президент совғаси топширилди

Исматуллаев. - Бундан ташқари, мазкур турнирда кўплаб дўстлар орттирдим. Жамоамиз билан юқори натижага эришиб, Президент совғасини қўлга киритганимиз бизга

шижоат бағишлади ва келгусида Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионатларига чиқишимиз учун умид берди. Тадбир катта концерт дастури билан якунланди.

ПИЁДА ЮРГАН "ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ"

...Ўйимизга бир неча чақирим келадиган поликлиникада тез тиббий ёрдам пункти ҳам бор эди. Уни тез тиббий ёрдам деб айтиш қанчалик тўғри, буни қуйидаги мисолимдан ҳам билиб оласиз.

Гап шундаки, кечаси онаминг мазаси бўлмай Поликлиникага тез тиббий ёрдамни чақиришга бордим. Чироқ ўчган экан. Қоп-қоронғи йўлакдан телефонининг фонарини ёқиб,

лари эълон қилинди, - дейди Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали раҳбари ўринбосари Талиб Ўсаров. - Ушбу қарорлар билан тизимда катта ислохотлар олиб



врачлар ўтирган хонани изладим. Уларни овозидан топдим, чеккароқ хонада, совуқдан дилдираб ўтиришган экан. Вазиятни тушунирдим. Ўтирганлардан бири шифокор, бири ҳайдовчи эди. Онаминг қаери оғриётгани, кейин қайси кўчада яшашимизни билгач, оғринибгина ўринларидан кўзғалишди (ахир шунча йўлни шу совуқда пиёда босиб ўтиш кимга ҳам ёқарди дейсиз). Ҳайдовчи ҳам бор эди-ку, деб ҳайратланманг. Ростдан ҳам ҳайдовчи бор-у, тез тиббий ёрдам машинасининг ўзи йўқ эди-да. Аксига олиб, мендям автомобиль йўқ. Бемор ёнига тез тиббий ёрдам ходимлари билан қишда, лой кўчалардан пиёда бораётганимизни тасаввур қилиш сиз учун қийинроқдир. Лекин мен буни бошимдан ўтказганман.

Дарвоқе, бу узок ўтмишдаги воқеа эмас, 4 йил аввалги ҳолат. Бугун тез тиббий ёрдам тизимидаги ўзгаришларни сезманга киши бўлмаса керак. Айниқса, юқоридаги каби тез ёрдамни чақириш учун чироғию телефони бўлмаган тез ёрдам пунктидан шифокорларни пиёда олиб борган қаҳрамонимиз каби фуқаролар бу янгиликни ҳис қилмай оложи йўқ. Айтганча, бу воқеа қаерда содир бўлгани ҳақида қуйироқда айтиб ўтамиз.

Тиббий транспортлар ҳақида битта фарқни айтиб ўтишни истардим. Биргина Булунғур туманида 2016 йилда 4 та тиббий бригада фаолият кўрсатган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 15 тани ташкил қилади. Ургут туманидаги 17 та тиббий бригада бугунги кунга келиб, 42 тага етди. Ҳар бир чақириққа сарфланадиган маблағ бир неча йил аввалгисидан уч баробарга ошган. Дори-дармон тури 40 тага етган.

2022 йилдан бошлаб вилоятдаги яна тўртта тумандаги шошилинич қабул бўлимлари негизда шошилинич ёрдам кўрсатиш марказлари ташкил этилади. Хусусан, Ургут, Булунғур, Пахтачи, Иштихон туманларида ташкил этилаётган ушбу марказларга айни пайтда МСКТ, рақамли рентген, гемодиализ каби асбоблар келтирилган.

Яхши биласиз, шу пайтга қадар вилоятнинг қайси худуди бўлишидан қатъи назар, шошилинич ёрдамга муҳтож беморлар вилоятда ягона бўлган Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалига келишга мажбур бўлар эди.

Тўртта туманда шошилинич марказлар иш бошлайди

- Кейинги уч йилда айнан тез тиббий ёрдам тизimini ислох қилиш учун Президентимизнинг бир неча қарор-

борилди. Тез тиббий ёрдамнинг асосий муаммоларидан бўлган автомобиллар сони кескин оширилди.


Ҳозирги кунда тез тиббий ёрдам тизимида 316 та транспорт воситаси мавжуд бўлиб, 220 та умумтармоқ тиббий бригадалар бор. Ушбу тизимда 1777 нафар шифокор, 2500 га яқин ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатади.

Тиббий транспортлар ҳақида битта фарқни айтиб ўтишни истардим. Биргина Булунғур туманида 2016 йилда 4 та тиббий бригада фаолият кўрсатган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 15 тани ташкил қилади. Ургут туманидаги 17 та тиббий бригада бугунги кунга келиб, 42 тага етди. Ҳар бир чақириққа сарфланадиган маблағ бир неча йил аввалгисидан уч баробарга ошган. Дори-дармон тури 40 тага етган.

2022 йилдан бошлаб вилоятдаги яна тўртта тумандаги шошилинич қабул бўлимлари негизда шошилинич ёрдам кўрсатиш марказлари ташкил этилади. Хусусан, Ургут, Булунғур, Пахтачи, Иштихон туманларида ташкил этилаётган ушбу марказларга айни пайтда МСКТ, рақамли рентген, гемодиализ каби асбоблар келтирилган.

Яхши биласиз, шу пайтга қадар вилоятнинг қайси худуди бўлишидан қатъи назар, шошилинич ёрдамга муҳтож беморлар вилоятда ягона бўлган Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалига келишга мажбур бўлар эди.

(Давоми 2-саҳифада) >>>



Муносабат

Халқимиз бунёдкорлиги тимсоли

Самарқандда тантанали очилган "Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази ҳақида ана шундай фикр билдириш мумкин.

Уч-тўрт йил олдин бу жойлар, Самарқанд эшак эшиш канали ва спорт мактаби биноларини ҳисобга олмаганда, очик майдон эди. Янги Ўзбекистон бунёдкори, ҳурматли Президентимиз ташаббуси ва ғояси билан бу ерда Самарқанд халқаро сайёҳлик марказини қуришга киришилганда кўпчилик бу лойиҳа қисқа фурсатда амалга оширилишига унчалик ишонмаганди. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2022 йилдаги саммити Самарқандда, айнан мана шу янгидан бунёд этиладиган туризм марказида ўтказилиши ҳақида гап-сузлар айтилганда эса рўсткамга бунга ишончсизлик билдирганлар кўп эди.

Ўзимиз ҳам Чўпонота тепаликларидан Самарқанд шаҳрига бориб келишда узокдан бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб, "Икки-уч йилда бу ерда марказ битармикан, обод бўлармикан?", деб ўтардик. Аммо иш йилнинг тўрт фаслида, туну кун давом этди. Аввало, бу ерда коммуникация тизими

яратилди, газ, сув, электр энергияси олиб келинди. Йўл қурилди. Кейин баланд-баланд меҳмонхоналар кўзга ташлана бошлади. Худуд секин-аста обод бўлиб, яшил либос кийди, дарахт кўчатлари ўтказилди. Кеча эшитдим, ушбу гўзал масканда 280 минг туп манзарали дарахт ва буталар экилибди, 170 гектар яшил худуд яратилибди.

Яшил худуднинг ўзи шунча бўлгач, мажмуанинг умумий майдони қанча дейсизми? 260 гектардан ортиқ экан. Қаранг, шунча жой уч-тўрт йил ичида кўркам масканга айланди, очик майдонда янги бир шаҳарча айрилганда эса рўсткамга бунга ишончсизлик билдирганлар кўп эди.

Ўзимиз ҳам Чўпонота тепаликларидан Самарқанд шаҳрига бориб келишда узокдан бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўриб, "Икки-уч йилда бу ерда марказ битармикан, обод бўлармикан?", деб ўтардик. Аммо иш йилнинг тўрт фаслида, туну кун давом этди. Аввало, бу ерда коммуникация тизими

(Давоми 2-саҳифада) >>>

САРДОР НУРУЛЛАЕВ: ЧЕМПИОН БЎЛИШ УЧУН ОРЗУНИНГ ЎЗИ КАМЛИК ҚИЛАДИ

Ифтихор

Туркиянинг Конья шаҳрида "V Ислол бирдамлиги" спорт ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегацияси 265 нафар спортчи билан 24 спорт туридан қатнашиб, 51 та олтин, 42 та кумуш, 65 та бронза, жами 158 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.



Терма жамоамиз таркибида вилоятимиздан 19 нафар спортчи 10 спорт туридан иштирок этиб, 16 та медал (4 та олтин, 7 та кумуш, 5 та бронза) олди.

Улар орасида ака-ука дзюдочилар Сардор ва Кемран Нуруллаевлар ҳам бор.

Ушбу мусобақада Сардор олтин медални қўлга киритган бўлса, Кемран кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, спортчилар фаолияти давомида Ўзбекистон ва Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори бўлишган.

Ўзим дзюдочилар бўлганим учун болаларимда ҳам ушбу спорт турига қизиқиш катта бўлган, - дейди спортчиларнинг отаси Илҳом Холиқов.

Ўзбекистон ва Осиё чемпионатлари, халқаро мусобақалар совриндори бўлганман. Фарзандларим билан ёшлигидан машғулларни биргаликда олиб бордик, мусобақаларга олиб чиқдим. Меҳнатларим бесамар кетмади. Уғилларим фаолиятини давом эттириш билан бирга, Ўзбекистон, Осиё чемпионатларида ва нуфузли мусобақаларда юртимиз байроғини баланд кўтармоқда. Улар билан фахрланаман.

Сардор Нуруллаев 1994 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. 10 ёшидан дзюдо билан шугулланади. 15 ёшида илк марта ёшлар ўртасида Осиё чемпиони бўлган. 1997 йилда туғилган Кемран эса 18 йилдан бундан дзюдо билан шугулланиб келади. 2012 йилдан Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Усмилар ўртасида Осиё чемпиони, олимпия ўйинлари иштирокчи-

си ва Ислол бирдамлиги ўйинларида кумуш медални қўлга киритган.

Спортчи ҳар бир рақибга қарши ўзига хос тактика билан чиқади, - дейди Сардор. - У мезъида такаббур, мезъида мурасим бўлиши лозим. Лекин биринчи навбатда, яхши инсон бўлиши ва рақиб билан ҳалол курашиши керак. Отам доим буни бизга уқтириб, ўз устимизда ишлашга ундайдилар.

2009 йилда илк марта ёшлар ўртасида Осиё чемпионатида ғолиб бўлганимда спортчи учун энг муҳими юрт байроғини баланд кўтариш, ота-она, устозлар ишончини оқлаш эканлигини тушундим. Шундан кейин ўзимга бўлган ишонч янада ошди ва дзюдо бўйича катталар ўртасида ўтказилган мусобақада Осиё чемпиони, жаҳон чемпионатида бронза медалга соҳиби, Токио олимпиадаси иштирокчиси ва халқаро турнирлар ғолиби бўлдим.

Яқинда Ислол бирдамлиги ўйинларида 66 килограмм вазн тоифасида финалда мароқашлик Абдурахмон Боушитани мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритдим. Чемпион бўлиш учун фақат орзу қилишимиз ўзи камлик қилади. Ўзимиз меҳнат қилишимиз, ўз устимизда ишлашимиз зарур. Ҳозирда укам иккимиз терма жамоа билан биргаликда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўряпмиз. Насиб қилса, яна Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, олтин медални қўлга киритамиз.

Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.



Байрам дастурхони тўкин бўлади

Мустақиллик байрами муносабати билан вилоятимиз шаҳар ва туманларида арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди.

Савдо ярмаркаларида дехқон ва фермерлар, қайта ишлаш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун алоҳида расталар ажратилган. Бу ерда мева-сабзавот, полиз экинлари, сут, гўшт ҳамда қандолатчилик маҳсулотлари, шунингдек, шакар,

гуруч, тухум, ёғ, ун каби 26 турдаги ноз-неъматлар савдоси ташкил этилган.

Хусусан, "Сиёб дехқон бозори"да Самарқанд, Булунғур ва Ургут туманлари дехқонлари ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, "Афросиёб парранда",

"Мароқанд парранда" масъулияти чекланган жамиятлари пархез гўшт ва тухум савдосини ташкил этган. Бозорга қарашли тайёрлов ташкилоти гўшт, шакар, ўсимлик ёғи, гуруч, дуккакли маҳсулотларни харидорларга тақдим этмоқда. 5 сентябрьгача давом этадиган ярмаркада бошқа маҳсулотлар ҳам бозордагидан арзон нархда савдога чиқарилади.

Бахтиёр МУСТАНОВ.

(Давоми 2-саҳифада) >>>

**ХАЛҚИМИЗ
БУНЁДКОРЛИГИ
ТИМСОЛИ**



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

"Боқий шаҳар" меъморий ансамблини айтмайсизми?! 7 гектар майдонда жонажон Ўзбекистонимизнинг дурдонаси яратилди. Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа тарихий шаҳарларимиздаги тарихий-меъморий обидаларнинг андозаси, қадимий шарқона бозор, юртимиз 14 худудининг ўзига хос хунармандчилик анъаналари, одамлар турмуш тарзи шу масканда ўз ифодасини топган. Бу ердаги Риштон кулолчилиги, Бухоро зардўзлиги, Қорақалпоқ ўтови, Марғилон атласи, Самарқанд ноилари ҳар бир сайёҳ учун қизиқарли, ҳайратланарли бўлиши табиий.

Не бахтки, бизга ана шу "Боқий шаҳар"нинг илк меҳмонлари бўлиб, давлатимиз раҳбари билан учрашни насиб этди. У киши биз – самарқандлик фаоллар, фахрийлар билан суҳбат-

лашиб, ушбу янги маскан билан табриқлади, биз эса Юртбошимизга мазкур тарихий бунёдкорликни амалга оширганлари учун миннатдорлик билдирдик.

Давлатимиз раҳбари Соҳибқирон Амир Темураббоснинг "Кимки бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган иморатларга боқсин", деган гапларини эслаб, бу қаби объектлар ҳам бугун Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик салоҳиятини дунёга намоён этишини таъкидлади. "Бу масканни бежиз "Боқий шаҳар" деб номламадик. Мажмуада бизнинг тарихимиз, бугунимиз, халқимизнинг ҳаёти акт этган ва у абадий бўлиб, келгуси авлодларга ҳам етиши, анъаналаримиз давом этиши керак", деди Президентимиз.

Тадбир нафақат мен



**Санъатимиз янги
босқичга кўтарилмоқда**

"Буюк ипак йўли" деб номланган сайёҳлик марказидаги мўъжизавий кошоналар ва унинг очилишидаги адабий-муסיқий томошани кўргач, шундай хулосага келдим.

Аввало, Президент Ш.Мирзиёев мумтоз қўшиқчилигимизни қадрлаш, ривожлантириш, санъат, маданият муассасалари фаолиятини жонлантириш юзасидан қабул қилган қарорлари, фармонлари орқали биз, ижодкорларга жуда катта далда берганди. Янги мажмуадаги томоша эса санъатимизни халққор талабларга мос тарзда ҳам намойиш қила олишимизни кўрсатди. Буни янги амфитеатрга ташриф буюрган таниқли зиёлилар, санъаткорлар, ҳатто хорижий меҳмонлар ҳам эътироф этди.

Мен томошалар сценарийсида ҳам

катта замонавий мактаб юзага келганини англадим. Демак, биз бундай томошаларни, концертларни барча музей ва обидаларда уюштиришимиз мумкин экан.

Албатта, ушбу қувончли онларда давлатимиз раҳбарининг биз билан бирга бўлиши, етук ижодкорлар, мамлакатимиздаги деярли барча давлатлар элчиларининг иштироки эътиборини анжуманга шукҳ бағишлади. Мўъжизавий янги масканда чинакам мўъжизавий сахна асарини намойиш этилди. Президент Ш.Мирзиёевнинг нутқи, ижодкорлар маҳорати ва меҳнатига берган юксак баҳоси қалбимизни қувончга тўлдирди.

**Мардон МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон ва Тожикистон
халқ артисти.**



**"Буюк ипак йўли" халқаро туризм маркази –
СУРАТЛАРДА**

**Б.МУСТАНОВ
олган суратлар**

Кенгаш ҳуқуқ ва имконияти кенгаймоқда

Бу реал ҳаётда ўз ифодасини топяптими?

Депутатлар қонунга кўра, аҳоли, аниқроғи, сайловчилар вакиллик органига ишонч билдирилган кишилардир. Улар кўпчиликнинг овози сифатида маҳаллий ёки худудий ҳокимликларда ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилиши керак.

Бу функцияни тўлақонли амалга ошириш учун кейинги 4-5 йилда қатор ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Биргина Кенгашлар фаолиятидаги ташкилий-техник масалаларни ҳал этиш учун котибиятлар ташкил қилинди.

Ҳўш, Кенгаш ва депутатларнинг жамият ҳаётида ўрни ва роли қай тарзда бўлмоқда? Шу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида халқ депутатлари Нарпай тумани Кенгаши фаолияти билан яқиндан танишдик.

**ДЕПУТАТНИ "БЎШАТИБ"
БЎЛМАЙДИ**

Айтиш мумкинки, бу масала, яъни депутатни ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармагани учун муддатидан олдин чақириб олиш борасида қонунчиликдаги қоида эскирди. Ваҳоланки, ваколатни муддатидан олдин тугатиш борасидаги нормаларда мажбуриятни бажармаслик тўғрисида талаб белгиланмаган.

Халқ депутатлари Нарпай тумани Кенгаши фаолияти билан танишарканмиз, бунга яна бир бор амин бўлдик. Қонунчиликда халқ вакилининг ҳуқуқлари билан бирга мажбуриятлари ҳам белгиланган, дейди туман Кенгаши котибият мудири Бекзод Орзиқулов. – Жумладан, тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида ҳамда мазкур Кенгаш томонидан тузилган қайси комиссия таркибига сайланган бўлса, шу комиссиянинг мажлисларида қатнашиши, овоз беришда тегишли халқ депутатлари Кенгашининг Регламентида белгиланган тартибда шахсан иштирок этиши шарт.

Депутат вақти-вақти билан, лекин йилга камида тўрт марта сайловчиларга ўз фаолияти тўғрисида ахборот бериши алоҳида нормада

акс этган. Лекин унинг бу ҳақида Кенгашга ахборот бериш мажбурияти йўқ. Аниқроғи, "Сайловчилар билан учрашдингми-йўқми?", деб тергашга ҳақли эмасмиз.

Қонунчиликда талаб даражасида фаолият кўрсатмаган депутатга фақат унинг номзодини кўрсатган сиёсий партия тегишли таъсир ўтказиш ҳуқуқига эга. Мисол учун, қонунга кўра, сайловчиларнинг ишончини оқлай олман, шунингдек, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкин.

Албатта, шу пайтгача депутатлар фаолиятини ташкилий ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш тегишли ҳокимликларнинг ташкилий-назорат бўлимлари томонидан амалга ошириб келинади. Шундай шартда депутат ижро ҳокимиятига тобе бўлиб қолмаслиги учун бу норма тўғри бўлгани аниқ. Бироқ бугун вакиллик органлари, яъни депутатлар корпуси мустақил фаолият олиб бораркан, Кенгаш котиби ва депутатлар ўртасидаги муносабатлар ҳам қонуний тартибга солиниши керак.

Қолаверса, қонунда сайловчилар билан учрашиш унинг ҳуқуқи сифатида белгиланган. Бу эса учрашмасликка ҳам ҳақли эканлигини аёнлатмайдими?

**ВАКИЛ САЙЛОВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ
ҚИЛАДИМИ?**

Аслида Б.Орзиқуловнинг фикрларида ҳам жон бор. Бироқ бугунги одамлар бунга қўйиб бермайди. Яъни, ўзлари ишонч билдирган депутатларни худуддаги реал ҳаёт билан таъминлашнинг жим кузатишмаслиги тайин. Шу жумладан, нарпайликлар ҳам бундан мустасно эмас.

Тумандаги 22-Тортувли округидан Экологик

партия аъзоси Саидмурод Жабборов депутатликка сайланган. Округ худудиде Тортувли ва Қозийқли маҳаллалари бор.

Сайловчилар билан фаолиятимиз икки йўналишда ташкил қиламан, - дейди С.Жабборов. - Биринчи - тарғибот йўналишида охириги марта 29, 30 июнь кўнлари "Янги Ўзбекистон конституцияси – менинг конституцияим" шiori остида Асосий қонунимизга киритилаётган ўзгартиришларнинг мазмун-ҳоияти бўйича ҳар икки маҳаллада учрашувлар ўтказдик.

Албатта, бу қаби учрашувлар фақат тарғибот билан тугаб қолмайди, одамлар муаммолари, уларни ўйлантираётган масалалар кўтарилади. Берилган ваколат доирасида муаммоларни ечишга ҳаракат қилишимиз. Мисол учун, шу пайтгача худуддаги барча хонадонлар ташкил қилинган сувдан фойдаланарди. Мурожаат ва сўровларимиздан "Сув таъминоти" ташкилотининг туман бўлими мутасаддиларнинг "безори чикди". Мухими, аҳоли марказлашган ичимлик сув билан таъминланди.

Бундан ташқари, Оқтош-Олтиўғил қишлоқларини боғловчи 12 километр масофадаги йўл бўйича вилоят ҳокимигача учрашдик. Айни пайтда бу ерда асфальт ётқишиш ишлари якунланяпти. Туман мактабгача таълим бўлимига киритган сўровимиз натижасида 2 та маҳаллада ҳам 120 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти барпо этилди.

Шундай масалалар борки, уларни аҳолининг кучи, жамоатчилик ёрдами билан ҳам ҳал этиш мумкин. Мисол учун, Тортувли маҳалласида 100 дан зиёд тунги чироқларни шундай йўл билан ўрнатдик.

Умуман, ҳар ойнинг иккинчи душанба кунини депутат ва фуқаролар учрашуви, депутат ва ёшлар учрашувлари ташкил этиб, фуқаролар ва ёшларнинг дарду ташвишлари билан қизиқиб, уларни жойида ёки тегишли ташкилот раҳбарлари билан ҳамкорликда ҳал қилиш йўлларини кўрашимиз.

Округ худудидеги "Темир дафтар", "Аёллар

дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилган ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатилиб, дафтардан чиқарилган фуқаролар ҳолидан хабар олиб, агар ёрдамдан қаноатланмаган бўлса, асосланган ташвир бериш бўйича депутатлик сўрови киритамиз.

СЎРОВ АСОСИЙ ВОСИТА, АММО ...

Гарчи амалдаги тартиб бўйича бизга бундай ваколат берилмаган бўлса-да, (Сенат тавсиясига кўра, депутат сўрови танишиш учун ўзи аъзо бўлган доимий комиссияга тақдим қилинади) уларнинг ҳисобини юритамиз, - дейди Б.Орзиқулов. - Бунда берилган сўровларга жавоб қайтармаётган мутасаддиларга ташвир бериш, тақдимнома киритиш чораларини кўрашимиз. Рост, айрим ҳолларда турли баҳоналарни рўқча қилаётганлар ҳам учраб туради, аммо биз қатъиятли бўлишга ҳаракат қилишимиз.

Халқ вакилининг мавжуд 15 та ҳуқуқи орасида депутат сўрови алоҳида белгиланган. Ўз навбатида 2019 йилда қонунчиликка киритилган ўзгартишга мувофиқ, депутат олдидаги ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўсқинлик қиладиган, била туриб унга ёлгон ахборот берадиган, депутат фаолиятининг кафолатларини бузадиган мансабдор шахсларга маъмурий чора кўрилади.

Яъни, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар, қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан депутат сўровини кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб нотўғри маълумотларни қасддан тақдим этган мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солинади.

Бизнингча, бу қонуний механизмни амалда қўллашда юзотхотирликка ўрин йўқ. Чунки бу норма айнан давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси билан белгиланган.

**Пиёда юрган
"тез тиббий
ёрдам"**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тасаввур қилинг, ўнлаб километр нарида оғир аҳволга тушиб қолган беморга зудлик билан ёрдам кўрсатилиши лозим. Эндиликда юқорида номлари келтирилган туманларда ҳам шундай имконият яратилди, барча жиҳозлар тахт, шифокорлар қайта тайёрланди. Шу кўнларда иш бошлаб қолади.

ТўРТ ДАҚИҚА...

2022 йилда Самарқанд шаҳрида СаИл-марказ ташкил қилиниб, дастлаб фақат Самарқанд шаҳридаги, эндиликда вилоят миқёсида тез тиббий ёрдамга кўнғироқлар ушбу марказ орқали амалга оширилмоқда, - дейди Самарқанд шаҳридаги 2-сон тез тиббий ёрдам бўлими мудири Нодира Исаева. - Барча тез тиббий ёрдам бўлимлари ушбу марказга уланган бўлиб, махсус қурилмалар орқали ўша худудга энг яқин бўлган тез тиббий ёрдам бригадаси юборилади. Ўз навбатида тез тиббий ёрдамнинг чақирувга бориш вақти кескин қисқарди. Шошилиноч (яъни, экстренный) чақирилган халққор қоидаларга кўра, 4 дақиқадан кечикмаслиги лозим. Айни кунда вилоятда тез тиббий ёрдам бригадалари сони ортгани тўғрисида бу нормага тўлиқ амал қилинмоқда. Бугунги кунда марказга бир кунда ўртача 4 минггача чақирилган бўлмоқда.

Шунингдек, Корея билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳар тез тиббий ёрдам бўлимида симуляцион маркази ташкил қилиниб, айни кунгача мазкур марказда 64 нафар тез тиббий ёрдам ходими малака оширди.

Тез тиббий ёрдам бўлимлари учун энг сўнги замонавий асбоблар билан жиҳозланган, реанимацион ҳолатдаги беморларга ёрдам кўрсатишга мўлжалланган 21 та "Ford" автомобиллари харид қилинди.

Барча тез тиббий ёрдам ходимлари планшет ва рация билан таъминланиб, оғир аҳволдаги беморнинг ҳолатини билиш, зарур бўлганда, мутахассислар билан маслаҳатлашиш имкониятига эга бўлади.

"...Яқинда яна онаминг тоблари қочиб, тез тиббий ёрдамга мурожаат қилишимга тўғри келди. Ишониб, ишонмай "103" ни тердим. Зум ўтмай, кўнғироғимга жавоб беришди ва 10 дақиқадан етиб келишди", дейди юқорида бундан тўрт йил аввал тез тиббий ёрдам ходимлари билан пиёда уйига келган, Пайарик тумани Оққўрғон маҳалласида истиқомат қилувчи қаҳрамонимиз.

Шунинг ўзиям тизимдаги ўзгаришлардан далолат беради, назаримда.

**Гулрўх МЎМИНОВА,
"Зарафшон" мўхбири.**

**ИШЛАР КўП, КАМЧИЛИК ҲАМ
Йўқ ЭМАС**

Халқ депутатлари Нарпай тумани Кенгаши сессиялар чақирилишидан 7 кун олдин эълон қилиниши қоидага қатъий амал қилинган. Бу ҳақдаги эълон депутатларнинг телеграм гуруҳида, 10 мингдан зиёд обуначига эга туман ҳокимлиги сайтида бериб берилган. Сессиянинг айни сайтда жонли тарзда узатилишини ҳам ижобий иш сифатида баҳолаш мумкин.

Бирок Кенгашнинг биринчи ярим йилликдаги иш режасида 18 та масала белгилангани ҳолда уларнинг 17 таси қайсидир раҳбар ёки мутасаддининг ахбороти ва ҳисоботидан иборат. Депутатлар ярим йил давомида биргина "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросини ўрганиши режалаштирган.

Ваҳоланки, Кенгашда мавжуд 5 та партиянинг барчаси етарлиқ депутатлик ўринларини эгаллаган. Табиий савол туғилади, наҳот улар ярим йиллик учун сайловчилари манфаатларидан келиб чиқиб, жила курси, партия дастури асосида биттадан масалани ўрганиши мақсад қилишмаган?

Тўғри, бир қарашда Кенгаш фаолияти яхшидек таассурот уйғотади. Негаки, ярим йилда сессияларда 100 дан кўпроқ масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинган. Қарорлар ижросини назорат қилиш тизимли ташкил қилинган.

Аммо кўпчилик туманда бўлгани қаби Нарпай туманида ҳам Кенгаш котибияти сессияларни ташкил этиш ва унга тегишли ҳужжатларни юритувчи тузилма вазифасини бажармоқда.

Ваҳоланки, қонунчиликда "халқ депутатлари Кенгашининг ҳар бир сессиясини ўтказиш даврида депутатлар орасидан сессия котиби ёки котибият сайланади", деган норма ҳали ўз кучида турибди. Котиб ёки котибият регламентга кўра, сессия якунлари юзасидан ахборот тайёрлабди, баённома ёки стенограмма юритилишини ташкил қилади. Ҳозирча амалда бундай бўлаётгани йўқ.

Фикримизча, ё регламент ўзгартирилиши ёки Кенгаш котибияти асосан депутатларга фаолиятини ташкил этиши учун кўмаклашиши зарур.

**Ёқубжон МАРҚАЕВ,
"Зарафшон" мўхбири.**

САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ "ТЕМИР ЙЎЛ ДЕҲҚОН БОЗОРИ"

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



барча

юртдошларимизни

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

билан қутлайди.

Хизматлар лицензияланган.

"SAMARQANDDONMAHSULOTLARI"

акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

"Samarqanddonmahsulotlari" акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 16 сентябрь куни соат 10:00 да Самарқанд шаҳри Зиёкорлар кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган жамият мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДА:
1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш тўғрисида;

3. Жамиятнинг 2021 йил молиявий кўрсаткичларидан келиб чиқиб, соф фойда тақсими ва дивиденд тўловини қайта тақсимлаш тўғрисида.
Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш ҳамда йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабарнома олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 24 август куни ва умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 12 сентябрь ҳолатига белгиланди.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишида қўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан "Samarqanddonmahsulotlari" АЖда ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб, йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 8:00 дан 10:00 гача танишиш мумкин.
Мурожаат учун телефон:
+99866-239-55-04.
Жамиятнинг расмий веб-сайти:
www.samdon.uz
Электрон почта:
samarqanddon@mail.uz
ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

"SAMARQAND DILLER RIELTOR SERVICE"

масъулияти чекланган жамияти музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган

**ОММАВИЙ ОФЁРТА
САВДОЛАРГА ТАКЛИФ
ЭТАДИ!**

Савдога "BOG' IZOG' ON-AGRO TEX SERVICE" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг 2022 йил 4 августдаги 3-сонли умумий йиғилиш баёнига ҳамда мурожаат хатига асосан жамиятга қарашли, Тойлоқ тумани "Боғизогон" МФЙ, Боғизогон қишлоғи, 77-уйда жойлашган умумий ер майдони 5230,00 кв.метр (ер майдонисиз), қурилиш ости ер майдони 736,72 кв.метр ва фойдали ички майдони 647,28 кв.метр бўлган **гараж биноси** савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 119 840 000 сўм.

Музокаралар ўтказиш йўли билан ташкил этиладиган оммавий офёрта савдолари ушбу мол-мулк матбуотда эълон қилинган сандан бошлаб иш кунлари (душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума) музокаралар ўтказиш йўли билан ўтказилади. Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан ақцепт аризалари мазкур мулк сотилгунга қадар қабул қилинади. Ақцепт аризалар қабул қилиш мулк сотилгандан ёки у савдолардан олингандан кейин тўхтатилади.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 91-А" уй. **Мурожаат учун телефонлар:** +99866-234-36-50, +99891-522-74-09.
Хизматлар лицензияланган.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Булунгур туман давлат хизматлари марказидан рўйхатга олинган "BULUNGUR SIFATLI AKFA PROFIL" оилавий корхонаси ихтиёрий равишда тугатилмоқда. Шу муносабат билан унга бўлган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Оилавий корхонанинг почта манзили: Булунгур шаҳри "Истиқлол" МФЙ, Ибн Сино кўчаси, 2-уй.
Оилавий корхонанинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР) 306947271.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасида марҳум Пирназарова Адаб Ерназаровнага (2020 йил 13 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Каюмов Аваз Равшановичга (2018 йил 10 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исакулова Нигора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Али-

ева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Басманова Олга Юревнага (2021 йил 31 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Жуманов Ўткир Зиятовичга (2021 йил 29 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Абдумуродов Тошпўлотга (2015 йил 16 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Ўр-ташиқ маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Саматов Рафига (2001 йил 8 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна

Asakabank

МИЖОЗ МАНФААТИ ВА ЗАМОН ТАЛАБИНИ АНГЛАБ

Бугун мамлакатимизда банклар, кредит ташкилотлари кўп ва бу миқдор ишончини қозониш ва оқлашда мазкур молия муассасалари ўртасида рақобатни ривожлантирмоқда. Миқдор қайси банкнинг хизмат кўрсатиш сифати юқори, шартлари мақбул ва манфаатли бўлса, ўша ташкилот хизматидан фойдаланмоқда.

Юртимиздаги банклар орасида ўз нуносиб ўрнига эга бўлган "Асакабанк" акциядорлик жамияти ҳам ана шу рақобат шароитида миқдорларни сонини ошириб, уларга юқори сифатли ва тезкор банк хизматлари кўрсатмоқда.

КРЕДИТ УЧУН ВАҚТ ЙЎҚОТМАЙСИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги "Микро-молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган талаблар ижроси юзасидан "Асакабанк" АЖ тизимида ҳам бир қатор илҳомий ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, миқдорнинг паспорт маълумотлари асосида саноқли дақиқаларда зарурий ахборотлар (иш жойи ва даромадлари манбаи, олинган кредитлар тарихи ва жорий кредит қарздорликлари в.х.)ни жамлаб, уларни қайта ишлаган ҳолда кредит аризаларини қаноатлантириш ёки асослантирилган тарзда рад этиш бўйича ҳулоса тақдим этувчи "Wings" скоринг тизими амалиётга жорий этилди. Бу орқали микроқарзни расмийлаштириш учун 15 дақиқа кифоя қилади ва бунинг натижасида бир нафар ходим томонидан бир иш кунда ажратиладиган микроқарзлар сони 15 тагача етди. Автокредит ажратиш учун сарфланадиган вақт эса 3-5 иш кунидан 30 дақиқачага қисқарди. Бир нафар ходим томонидан бир кунда ажратиладиган автокредитлар сони 7 тага етмоқда.

"Wings" скоринг тизимининг амалиётга жорий этилиши ходим ва миқдорлар учун қўлайлик яратиб билан биргаликда, юқоридаги қарорнинг таваккалчиликларни мос равишда бошқариш ва жисмоний шахсларнинг қарз юки ўсишини чеклаш мақсадида кредит буюрларидан кредит маълумотларини мажбурий олиш имкониятини берди. Бу жараёнда илҳомий олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган, мuddати ўтган

қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда, жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатмайди.

Шунингдек, кредитларни фақатгина қарздорнинг ўзи томонидан расмийлаштирилишини таъминлаш, уларнинг шахсини тасдиқлаш мақсадида "Face-ID" тизими жорий қилинди. Бу кредитлаш амалиётини "Менинг ҳужжатимга бошқа шахс кредит олган, ҳужжатларни шахсан ўзим имзоламаганман", деган гап-сўзлар келиб чиқишининг олдини олади.

Бу каби қўлайликлар тўғрисида жорий йилнинг ўтган даврида филиал томонидан 3465 нафар юрдошимизга 49,5 миллиард сўм микроқарз ажратилди. Утган йилнинг мос даври билан қиёслашганда (807 нафар қарздорга 14,7 миллиард сўм берилган), бу 4 қарра кўп демакдир. Шунингдек, филиал томонидан жорий йил бошдан буюн 1135 нафар миқдорга 3,5 миллиард сўм "овердрафт" кредитлари ажратилди.

Ҳозирда "Асакабанк" АЖ Самарқанд филиали томонидан 20 миллион сўмгача бўлган микроқарзлар бир йил мuddатга йиллик 32 фоизда, икки йил мuddатга йиллик 34 фоизда сўғурта компаниялари кафолати асосида ажратилмоқда.

Банкининг жорий йилнинг 7 ойида жисмоний шахсларга ажратилган автокредитлар ҳажми бўйича банклар орасида етакчилиكنи қўлга олиб, бозордаги улушимизни 15 фоизга етказди. Самарқанд филиали ҳам жорий йилда 448 нафар юрдошимизга 36,8 миллиард сўм автокредит ажратди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 60 фоиз кўпдир.

Ҳозирда "Асакабанк" Самарқанд филиали томонидан жисмоний шахсларга автокредитлар қўйидаги шартлар асосида таклиф этилмоқда:
- мuddати 36 ойдан 60 ойгача;
- йиллик фоиз ставкаси кредит мuddати ва тўланган бошланғич тўловга қараб 21 дан 27 фоизгача;
- бошланғич тўлов автомашина нархининг 30 фоизидан 50 фоизгача;
Шунингдек, "KIA" автомобиллари учун жорий этилган акция бўйича мuddати 12 ойдан 60 ойгача, йиллик фоиз ставкаси кредит мuddати ва тўланган бошланғич тўловга қараб 0 фоиздан 24 фоизгача, бошланғич тўлов автомашина нархининг 30 фоизидан 50 фоизгача бўлган шартлар ҳам автокредитлар ажратилмоқда.

ИПОТЕКА КРЕДИТИ ОЛМОҚЧИМИСИЗ? МАРҲАМАТ!

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 мартдаги "Бозор таъминотидаги асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 2021 йилда 70 нафар юрдошимизга 16,3 миллиард сўм, жорий йилнинг 8 ойида 35 нафар фуқарога 8,9 миллиард сўм ипотека кредитлари берилди.

"Асакабанк" Самарқанд филиали томонидан жисмоний шахсларга мuddати 20 йил, асосий қарз тўлови бўйича 6 ой имтиёзли давр билан, йиллик 17 фоиз ставкада, уй-жой қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган шартларида бошланғич тўлов тўлаш шартлари асосида бирламчи бозордан Тошкент шаҳридаги уйлар учун 416,5 миллион сўмгача, бошқа ҳудудлардаги уйлар учун 327,2 миллион сўмгача ипотека кредити таклиф этилмоқда.

ОМОНАТГА ХИЁНАТ ҚИЛМАЙМИЗ

Филиалда жисмоний шахсларнинг мuddатли депозитлари ҳажми жорий йил 1 август ҳолатида 78 миллиард сўм (1006 нафар омонатчи)га етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 66 фоизга ортиди. Мuddатли омонатлар қолдигида мобил иловалар орқали масофадан туриб расмийлаштирилган омонатлар қолдиги улуши 2021 йил 1 август ҳолатига 15 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич 32 фоизга етди. Яъни, минг нафардан ортиқ миқдорларимизнинг ҳар уч нафаридан бир нафари омонат амалиётларини "рақамли банкинг", яъни "Asaka Mobile" мобил иловасидан фойдаланган ҳолда, филиалга келмасдан амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирда жисмоний шахсларга филиал томонидан "Максимал фойда", "Online", "Аванс" омонат турлари таклиф этилмоқда. Мисол учун, юрдошларимиз ўз маблағларини "Максимал фойда" омонатига йиллик 21 фоиз, "Asaka Mobile" мобил иловасидан фойдаланган ҳолда эса йиллик 22 фоиз даромад билан жойлаштириш мумкин.

Шахрух МАМУРЖОНОВ,
"Асакабанк" АЖ Самарқанд филиали бўлим бошлиғи.
Хизматлар лицензияланган.

"JUMA ELEVATORI"

акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

Паст Дарғом туманидаги "Juma elevatori" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2022 йил 16 сентябрь куни соат 14:00 да Паст Дарғом тумани Жума шаҳри Фитрат кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган жамият мажлислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДА:
1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида;
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини сайлаш тўғрисида;
3. Жамиятнинг 2021 йил молиявий кўрсаткичларидан келиб чиқиб, соф фойда тақсими ва дивиденд тўловини қайта тақсимлаш тўғрисида.
Акциядорларнинг рўйхатга олиш 2022 йил 16 сентябрь куни соат 13:00 дан 14:00 га қадар давом этади.

Йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ва уларнинг вақиллари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончномалар билан келишлари сўралади.

Мурожаат учун телефон: +99866-465-15-27.
Электрон почта манзили: jumadon@mail.ru
Хўрматли акциядорлар, жамият акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотларни жамият акциядорларига сифатли ва тезкор равишда етказилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ электрон почта орқали амалга оширилишини инобатга олиб, сиздан электрон почта манзилингизни (Email) тақдим этишингиз лозимлигини маълум қиламиз.

ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

САМАРҚАНД ТУРИЗМ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ТЕХНИКУМИ ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- туризм;
 - сервис ва туризм;
 - мехмонхона хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш;
 - маданий мерос объектларини асраш ва таъмирлаш устаси;
 - нон, нон маҳсулотлари, қандолат ва макарон ишлаб чиқариш;
 - сартарошлик санъати;
 - бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
 - умумий овқатланиш хизматларини ташкил этиш.
- Манзилимиз:** Самарқанд шаҳри Сартела маскани. Туризм ва маданий мерос техникуми. Ҳужжатларни онлайн **my.dtm.uz** платформаси орқали ёки аънаваний ҳолда топшириш мумкин.
Телефонлар: (66) 238-35-25; (90) 100-26-33.

Самарқанд туманидаги "DAMIR IDEAL" оилавий корхонасининг (СТИР: 304251319) дубликат думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд темир йўл транспорт касс-хунар коллежидан 2013 йилда Тўймаев Шохзода Ақтам ўғли номига берилган рўйхат рақами 157, К № 2941403 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги 2-сон академик лицейидан 2011 йилда Хайдаров Элдор Зафар ўғли номига берилган рўйхат рақами 112, Л № 112410 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги "SAM AMIRBEK 777" оилавий корхонасининг (СТИР: 309236094) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Инсон" акциядорлик жамияти сўғурта ташкили Самарқанд вилоят филиалига қарашли 34385 ва 36534 рақамли сўғурта полислари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳри Ш.Руставели кўчасидан (мўлжал 8-март фабрикаси) гишли уйнинг 1-қаватида жойлашган, 3 хонали, **ЯХШИ ҲОЛАТДАГИ КВАРТИРА СОТИЛАДИ.**
Мурожаат учун телефонлар:
+99897-917-20-21,
+99866-234-36-14.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ректорати ва касаб-ушма кўмитаси университет педиатрия факультети декани ўринбосари, физиология кафедраси катта ўқитувчиси Мирзо Юсупова акиси **Баҳром ЮСУПОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Вилоят жамоатчилиги Қатағон қурбонлари хотираси вилоят музейи ҳамда шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган 1919-1921 йилларда Саидризо Ализода муҳаррирлигида "Шуълаи инқилоб" ҳафталик журнали чоп этилган бино (ҳозирда Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи маъмурияти)да пешлаваҳа ўрнатиш маросимида иштирок этди.

Бу бинода Саидризо Ализода ишлаган



Саидризо Ализода "Самарқанд" газетаси ҳамда "Ойна" журналида Бехбудийнинг яқин ҳамкори бўлган, "Шарқ", "Хуррият", "Зарафшон", "Овози тожик" газеталарида ишлаган. У 1919 йилда "Шуълаи инқилоб" журналига асос солган ва чоп эттирган. "Сарфи араб", "Туркий алифбо", "Тарих", "Жуғрофия", "Риёзиёт", "Хандаса" каби 11 та дарслик тузган, 1933-1937 йилларда СамДуда талабаларга таълим берган. Таъбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бўлими раиси Ф.Тошев, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Т.Тугалов, алломанинг невараси Ф.Ализода таъбир иштирокчиларига маърифатпарвар олим-

нинг ҳаёти ва ижоди ҳамда келажак авлодга қолдирган бой ижодий мероси ҳақида маълумот берди. - Бобомизнинг ҳаёти турли сиёсий талотўпларда ўтди, хорижда машҳур бўлган аллома большевиклар томонидан халқ душманига чиқарилиб, ҳибсга олинди, - дейди мутафаккирнинг набираси Фарҳод Ализода. - Бундай драматик тақдир ҳақида том-том асарлар ёзса арзийди. Асарлари, илмий фаолияти чуқур тадқиқ этилиши лозим. Бобомизнинг бугунги авлод учун ибрат қилиб кўрсатишга арзигулик сифатлари шу қадар кўпки, улар ўрганишни, илмий мулоҳазаларни тақозо этади. **Ўз мухбиримиз.**

Шўракда байрам

Каттакўрғон тумани Шўрак маҳалласи аҳолиси қўшалок байрам кайфиятида. Сабаби, мустақиллигимизнинг 31 йиллик шодиёнаси арафасида ушбу маҳалла маркази янги бинога эга бўлди.

Маҳалла марказининг янги биноси очилишида туман ҳокими Жамшид Насриддинов, вилоят маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Исроил Жабборов, сектор раҳбарлари ва маҳалла аҳли иштирок этди. - Шу кунгача маҳалламиздаги электр таъминоти корхонаси биносининг битта хонасида фаолият олиб борардик, - дейди маҳалла раиси Ғафур Қўлдошев. - Бугун эса янги замонавий бинога эга бўлдик. Бу ерда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходимга алоҳида хона ажратилган. Маҳалла марказига келган аҳоли ҳам яратилган шароитдан мамнун бўляпти.



Янги бинонинг очилиш маросимида сўз олганлар маҳалла аҳлини келаётган кутлуқ байрам ва топширилган янги бино билан қутлади.

Худди шундай таъбирлар Пайариқ туманида ҳам бўлиб ўтди. Тумандаги "Ўзбек-

кистон", "Гулзор" ва "Фаровон" маҳалла фуқаролар йиғинларининг янги бинolari фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бу маҳалларда саховатпеша инсонлар кўмаги билан кам таъминланган икки нафардан оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Сулаймон МАРДИЕВ.

"InnoWeek-2022":

Филиал тадқиқотчилари республика босқичида

Инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "InnoWeek-2022" инновацион ғоялар кўргазмасининг вилоят босқичи Самарқанд шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказида бўлиб ўтди. Унда профессор-ўқитувчиларимиз томонидан яратилган 30 дан ортиқ илмий лойиҳа намойиш этилди.

Хусусан, биомасхулотлар етиштириш, ноанъанавий сабзавот экинларидан қандолатчилик ва саноат учун хомашё олиш технологияси, чорва моллари учун тўйимли ем махсулотлари, ўтхўр баликлар учун оқсилга бой озуқалар, тиббиётда қўлланиладиган ноёб ўсимлик мoliлари, ўсимликларни биологик химоя қилиш, шифобахш ўсимлик чойлари,

инновацион ресурстежамкор кичик ёпиқ майдон, донли экинларнинг янги навлари, галладан бўшаган экин майдонларига ресурстежамкор ишлов бериш агрегатлари ва бошқа илмий лойиҳалар шулар жумласидандир. Шунингдек, InnoWeek-2022 инновацион ғоялар кўргазмаси доирасида "TechnoWays" - технологик ривожланиш

марафонида филиалимиз иқтидорли талаба-ёшлари томонидан 5 та инновацион лойиҳа топширилган бўлиб, 2-курс талабаси Ирода Жонтемированинг "Innosack for grape" (узум учун инновацион қоп) лойиҳаси "Креатив илмий ғоя" номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Кўргазмада филиалимиз жамоаси Инновацион ривож-

ланиш вазирлиги томонидан сертификат ва эсдалик совғадари билан тақдирланди ҳамда "InnoWeek-2022" танловининг республика босқичида иштирок этиш учун йўланмани қўлга киритди.

Бобур ЭШОНҚУЛОВ, Тошкент давлат аграр университети Самарқанд филиали директори ўринбосари.

Ер билан "тиллашган" агроном

Шундай инсонлар борки, уларнинг умр йўли ҳалоллик ва покликка йўғрилган бўлади. Ўзини эл-юрт хизмати, Ватан манфаатларидан айро тасаввур эта олмайди. Пайариқлик Валижон Бектемировни ҳам шубҳасиз, шундай инсонлар сирасига киритиш мумкин.

У 1962 йил 31 августда Эмалач қишлоғидаги ўқитувчи оиласида туғилди. 40-ўрта мактабда ўқиб, 8-синфини тамомлагач, 1977-1980 йилларда Челақ шаҳридаги собиқ 11-касб-хунар билим юртида ўқишни давом эттирди. Ерга, далага меҳри ўзгача эмасми, дилига туккан эзгу мақсад - агроном бўлиш учун астойдил ҳаракат қилди. Бунинг учун далага отланди. Ўзидан анча катта мутахассислар билан теппа-тенг меҳнат қилди.



"Билим олиш ҳеч қачон зиён қилмайди". Валижон устозларининг бу гапини ҳеч ёдидан чиқармасди. Шунинг учун Самарқанд қишлоқ хўжалик институтига ҳужжат топширди ва ўқишга кирди. Уқини муваффақиятли тамомлагач, иш фаолиятини Р.Шредер номидаги мева-кўчатчилик хўжалигида агроном сифатида бошлади. Бир муддат қишлоққа қайтиб, хўжалик бригада бошлиғи ва агрономлик қилди. Бу пайтга келиб мамлакатимизга янги тизим - фермерлик ҳаракати кириб келган эди. Валижон фермерликнинг миридан сиригача ўрганди, замонавий қишлоқ хўжалигига оид адабиётларни ўқиди. Агрономлик қилиб, ўз устида изланди, пахта етиштиришнинг айрим янги технологиялари бўйича изланишлар олиб борди. У ўзидаги ташкилотчилик ва касбга бўлган билим ҳамда тажриба боис бир неча йил тумандаги "Навбахор", "Яккасарой" ва У.Маҳмудов номи хўжаликларни, 2006-2011 йилларда эса вилоят қишлоқ хўжалиги пахтачилик, галлачилик бўлиmlарини бошқарди. В.Бектемиров 2011 йилдан бошлаб Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг вилоят бўлими бош мутахассиси сифатида иш фао-

лиятини давом эттирди. Шу даврда у ташкилотчилик, одамларни ортидан эргаштира олиш қобилияти, ўзининг жўяли маслаҳатлари, қийин ҳолатларда ҳам деҳқончиликни тармоқлар бўйича тегишли билим ва тажриба негизида олиб бориши билан намуна кўрсатди. Шу боис кейинчалик "Ўзагроинспекция" Пайариқ тумани бўлимига раҳбарлик қилди. Ҳозирда тумандаги кластер тизимида ҳосилот сифатида меҳнат қилмоқда. Валижон қаерда ва қайси лавозимда ишлаган бўлса, ҳар бир ташкилотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар малакасини ошириш, ёш мутахассислар тарбиялаш ҳамда уларнинг келажига алоҳида эътибор қаратди, муносиб шогирдлар тайёрлади. У умр йўлдоши Мусаввар ая Собирова билан оқил фарзандларни тарбиялаб вояга етказди, уларни билимли ва уйли-жойли қилди. - Қирқ йиллик фаолиятимда англаганим шу бўлдики, эл ичида обрў-эътиборни юксалтирадиган хислат фақат ҳалол меҳнат, элга хизмат қилиш экан, - дейди В.Бектемиров. - Қолган ҳаммаси - мансаб ҳам, мол-давлат ҳам ўткинчи. Қайсидир лавозимда ўтирганингизда ёки умуман, ҳеч қандай мансабсиз ҳам кимгадир яхшилик қилган, қаернидир обод этган бўлсангиз, сиздан қоладигани, сиз ҳақингизда айтилдигани шу экан. Олтмиш ёшимда одамларнинг менга бўлган ҳурмати, эътибори ҳам меҳнатларимнинг мева-си бўлди, деб биламан. Биз В.Бектемировга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тўтувлиқ, фарзандлар ва шогирдлар ардоғида узоқ умр кечиришини тилаб қоламиз. **Хидирали БОТИРОВ, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

Тўйхат ўрнида

Халқимизда "Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми", деган ажойиб мақол бор. Бу мақол бежизга айтилмаган, албатта. Чунки кўпнинг дуоси ижобат, ота-онанинг дуоси мустажоб, дейишади. Шокир Арзиқулов ҳам ота-она дуосини олиб, ота касбини эгаллаган ва меҳнат қилиб, бахт топган инсонлардан бири.

Ота изидан юриб

Ш.Арзиқулов 1960 йил 31 августда Нарпай туманида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, бир муддат "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида меҳнат қилди. Ерга бўлган меҳр, деҳқончиликка қизиқиши туфайли 1979 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетига ўқишга кирди. Иш фаолиятини тумандаги Исломо шоир номи хўжалигида агроном сифатида бошлади. Изланувчан ёш агроном ҳосилдорликни ошириш, ўсимликлар агротехникасини тўғри ўтказиш ишларида жонбозлик кўрсатиб, агроном-энтмолог, бош агроном, бошқарув раисининг ўринбосари бўлди. Ташаббускор ва интилувчан мутахассисни тумандаги "Агрокимётаъминот" ҳиссадорлик жамиятига раис этиб сайлашди. Жамиятда ишни тўғри ташкил этиш, минерал ўғитларнинг ерга таъсирини камайтириш, юқори ҳосилдорликка эришишда агротехник тадбирларнинг вақтида ўтказилишида эришилган натижалар Ш.Арзиқуловнинг бу борада қанчалик малакали мутахассис эканлигини кўрсатди. Қишлоқ хўжалигининг билимдони бир муддат туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари бўлди. 2003 йилдан "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги ва "Саловат таянч" мўқобил машина-трактор парки раиси, Нарпай туман қишлоқ хўжалик бўлими бош



ҳосилоти вазифаларида ишлади. Бу вақтда унинг раҳбарлигида туманда қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштиришда катта ижобий ютуқларга эришилди. Фермерлик ҳаракати, алмашлаб экиш, туман иқлим шароитига мос навларни танлаш, давлатга пахта, галла сотишда яхши натижаларга қайд этилди. Ҳозирда Ш.Арзиқулов вилоят қишлоқ хўжалик бошқармасида пахтачилик ва техник экинлар бўлими бошлиғи сифатида орттирган тажрибасини вилоятимиз деҳқонларига ўргатиб келмоқда. Олим-агроном Ш.Арзиқуловнинг ҳаёт йўли, эришган ютуқлари ерга, элга берган меҳрининг ҳосиласидир. Камтарин инсон, тиниб-тинчимас раҳбарнинг салоҳияти, "иш кўзи"ни билиши ерга меҳри баланд эканидир. Унинг қатъиятлилиги, ўз касбини жондан севиши отаси, кўп йиллар "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида раис бўлган Шукур Арзиқуловдан ўтганлиги рост. У турмуш ўртоғи Адибахон ая билан 6 нафар фарзандни тарбиялаб, жамиятга муносиб инсонлар этиб улғайтирди. Юртимизнинг улуг айёмига улганган таваллуд кунини нишонлаётган Ш.Арзиқуловга ҳамisha шижоатли меҳнат, соғлиқ, омад, эл назарида бўлишни тилаб қоламиз. **Ҳамкасblари ва дўстлари номидан Яхшигул ХИДИРОВА.**

"Хайрли тун"

Тун. Соат миллари 23:00 дан ўтган. Болалар ухлаётган, баъзи оилаларда ногиронлиги бор ҳамда кекса кишиларнинг мижжа қоқмай турган пайти...

Узоқ кўча бошидан машиналарнинг тўхтовсиз сигнал чалиши, қатор-қатор куёв машиналару карнай-сурнай чалаётган мусиқачилар бошчилигида йўлни тўсиб олиб, ширакайф куёвнавкарларнинг овозининг борича бақариб, камига қўлида олов тутиб, бутун бошли кўпқаватли уйларни "зирқиратиши" безовта қилади. Урф-одат ёки анъаналарга, кимнингдир қувончи кунига қарши эмасман, аммо бу на анъана ва на урф-одат...



Агарда бу ишлар бирор жойда ёзилган бўлса, уни тўй базмигоҳи ёки хонадонларда, ўзгалар тинчлини бузмасдан қўлиш лозим назаримда. Кенг жамоатчилик, аввало, ота-оналар, кўпни кўрган нурунийларимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари Самарқандда тобора "урф"га кириб бораётган ушбу "одат"ни тартибга солишга киришар балки... **Ғофиржон БОБОБЕКОВ.**

Matbuot Uyi Zarafshon Samarqandskiy Vestnik

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 394 nusxada chop etildi. Buyurtma 553. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61 MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G. HASANOV. Navbatchi: G. MO'MINOVA. Sahifalovchi: B. ABDULLAYEV. Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X 9 1772010 667009